

## ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА ЖАМШИД МАВЗУСИННИНГ ЁРИТИЛИШИ

**Матлуба Жабборова Рустамовна**

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети доцент в.б. PhD.

[mdjabborova86@mail.ru](mailto:mdjabborova86@mail.ru)

**Мадалиев Ярмухаммат Худайбергенович**

Мухтор Ауэзов номидаги Жанубий Қозогистон университети катта ўқитувчиси, (PhD).

[madaliev\\_61@mail.ru](mailto:madaliev_61@mail.ru)

**Аннотация:** Жамишид образининг эволюциясини белгилашда қаҳрамоннинг тарихий асарлардаги талқини ҳамда ёзма бадиий адабиётга трансформациясини кузатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тарихий асарлардаги Жамишид мавзусини Диинаварийнинг “Китоб ал-ахбор ал-тавол” асари орқали тадқиқ этишини маъқул топдик.

**Калит сўзлар:** образ, эволюция, манба, тарихий образ, қўлёзма, тошибосма.

Тарихчи олим Абу Ҳанифа Аҳмад Довуд Диинаварийнинг “**كتاب الأخبار الطوال**” – “Китоб ал-ахбор ал-тавол” асарида пайғамбар ва подшоҳлар ҳақида ҳикоя қилинади. Китоб Одам аллайҳиссаломнинг яратилиши воқеаси билан бошланиб, сўнг унинг ўғли Нуҳ пайғамбар ва унинг авлодлари тилга олинади. Диинаварий шоҳ Жамишидни Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сомнинг наслидан эканлигини қайд этади:

وَقَامَ بِالْأَمْرِ مَرَّ بَعْدِهِ أَبْنَى سَلَخَ قَلْمَانَ حَضَرَتِهِ الْوَفَاقَ أَسْنَدَ إِلَيْهِ مَرْأَةَ الْأَخْبَارِ جَمِيلَةَ بْنِ أَبِي حَمْزَةِ الْمَخْثُودِ فَتَبَثَّتَ أَسْاسُ الْمَلْكِ وَوُظُورُ أَرْكَانِهِ بُنْيَتِي مَعَالِمَهُ وَاتَّخَذَ يَوْمَ النَّبِيُّزَ عِيدًا

(Жамишид Сомнинг Арфаҳшаз деган ўғлининг Юнжаҳон отлиқ фарзандининг зурриётидир)<sup>1</sup>.

Асарнинг миллат ва тилларнинг келиб чиқиши ҳақидаги лавҳасида Жамишид қаҳрамони қўйидагича талқин этилади: “Нуҳ алайҳиссаломнинг болалари бир хил тилда, суриён тилида гаплашишар эди. Бир куни улар уйқудан уйғонишса, барчаси турлича гапираётган эмиш ва бир-бирини тушунмас эмиш. Шундан сўнг, улар уйдан чиқиб кетишиб, турли мамлакатларда қарор топишибди ва кўпайишибди. Сомнинг авлоди Жамишид эса ушбу мамлакатда, яъни Бобилда қолибди ва мамлакат подшоҳлигига асос солибди”<sup>2</sup>.

Демак, асардаги Жамишидининг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар бошқа манбалардаги қайдлардан бирмунча фарқ қиласди, Жамишид “Авесто”да Вайвангхоннинг ўғли сифатида тасвирланса, Диинаварийда у бевосита Нуҳ пайғамбарнинг авлоди сифатида келтирилган. Кейинги даврларда яратилган Фирдавсий, Саолибий, Табарий, Беруний ва, ҳатто, Алишер Навоийнинг асарларида ҳам Жамишид Каюмарс одамнинг авлоди сифатида зикр этилган. Бироқ ўзбек халқ китоби “Қиссаи Жамишид”да шоҳ Жамишидининг келиб чиқиши Нуҳ пайғамбарга бориб

<sup>1</sup> ۱۹۱۰. أبو حنيفة الدينوري. كتاب الاخبار الطوال. ЎзР ФА ШИ 17049-инвентарь ракамли тошибосма. – Б. З. (Асаддан олинган мисоллар арабшунос мутахассис томонидан ўзбек тилига таржима қилинган – Ж.М.)

<sup>2</sup> Диинаварий. Кўрсатилган асар. – Б. З.



тақалади. Демак, Жамшиднинг Нуҳ пайғамбарнинг авлоди сифатида тасвирланиши илк марта Дийнаварийдан бошланган ва бу тасвир “Қиссаи Жамшид”га кўчган. Шунингдек, “Китоб ал-ахбор ал-тавол”да ҳам бошқа манбалар каби Наврӯз байрамининг жорий этилиши Жамшид номига боғланади. Асарда Жамшид ҳақидаги маълумотлар жуда қисқа баён этилган.

Дийнаварий асарда “Жамшид аслида Сулаймон пайғамбар” деган хато қарашга ўз муносабатини билдириб, бунинг нотўғри эканлигини айтиб ўтади: “Айрим билимсиз форсларнинг ишонишларича, Жамшид аслида Сулаймон ибн Довуд эмиш. Лекин бу нотўғри фарараз, чунки Жамшид ва Сулаймоннинг яшаш даврининг оралиги уч минг йилдир”<sup>3</sup>.

Жамшид ва Сулаймон образларини бирлаштиришга оид тахминлар кейинги даврларда ҳам акс этган. Масалан рус олими В.Огудин Жамшид ва Сулаймон образларининг ўзаро яқинлигини қомусий олимларнинг асарлари асосида исботлашга ҳаракат қиласи: “Жамшид ва Сулаймон образларининг ўзаро яқинлиги тўғрисида бир-биридан бехабар ҳолда Ибн Сино ва Берунийлар маълумот беришган. Ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида Райхони Сулаймон ўсимлиги бу Жамиспарам деб аталувчи ўсимликнинг ўзи, дейилган. Шу сабабли ҳалқ орасида Жам ва Сулаймон бир одам деган тасавурлар мавжуд. Шунингдек, Берунийнинг “Фармакогнозия” асарида ҳам Жамиспарам – бу ўсимликнинг бир тури бўлиб, уни Жам номи билан боғлашади, деб айтилган. Шунинг учун айрим форслар уни Райхони Сулаймон деб аташган”<sup>4</sup>. Тадқиқотчи шу каби мисолларга таянган ҳолда бу икки образ бир шахс бўлиши мумкин, деган хulosага келади. Биз ҳам номи келтирилган манбаларни ўрганиб чиқдик, бироқ унда қайд этилган маълумотлар Жамшид ва Сулаймон “аслида бир шахс” дейиш учун асос бўла олмаслигига гувоҳ бўлдик. Дийнаварий таъкидлаганидек, бу умуман мантиққа тўғри келмайдиган фараздир.

Асадаги воқеаларнинг кейинги ривожи “Авесто”даги сюжет билан деярли бир хил, фарқли жиҳати Дийнаварий ал-Захҳак образини мураккаб характерда талқин этади. Уни ёвуз образми ёки ижобий қаҳрамонми, бир қарашда ажратиш қийин. Унда ижобий образнинг аста-секин ўта ёвузлашув жараёни кўзга ташланади.

Дийнаварийда ҳам Жамшиднинг қотили сифатида Захҳок тасвирланади. Бироқ муаллиф ушбу қаҳрамонни ҳам Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сомнинг авлоди сифатида талқин этади. Асада унинг шажараси қуидагича келтирилади: Сом → Арам → Од → Амлик → Шаддод → Захҳок<sup>5</sup>. Муаллиф Захҳокни асли Яманлик эканлигини, уни Ажамликлар “Биоварасф” деб аташини таъкидлайди. Захҳок дастлаб ҳар жиҳатдан ибратли шаҳзода сифатида тасвирланади. Бироқ бир куни у Иблиснинг сўзига кириб, сеҳрланган суратга қарайди ва унинг елкасидан илон ўсиб чиқади. Шундан сўнг унда ёвузлик иллатлари ривожланади. Захҳок одамларни ўлдириб, елкасидан ўсиб чиқсан илонларига едиради. Захҳокда бадфеъллик аломатлари пайдо бўлгач, босқинчилик билан шуғулланади. Хусусан, Бобилни босиб олиш учун Жамшиднинг изига тушади.

Захҳок образи “Авесто”да уч бошли аждаҳо тарзида тасвирланади, Жамшиднинг қотили эса Спитийура эканлиги қайд этилган. Кўринадики, “Авесто”даги ёвузлик тимсоллари бўлган Захҳок ва Спитийура Дийнаварий даврига келиб бир образга айланган. Шунингдек, анъанавий сюжетдаги подшоҳ Жамшиднинг хукмронликни йўқотиши, одамларнинг Захҳок томонига ўтиб кетиши ва унинг ўлимини Захҳок номи билан боғланиши каби лавҳалар асарга Дийнаварий томонидан киритилади. Мазкур киритма Жамшид образи ҳақида кейинги даврларда яратилган асарларда

<sup>3</sup> Ghazzal Dabiri. The Origins and Development of Persian Epics. A dissertation submitted in partial satisfaction of the requirements for the degree Doctor of Philosophy in Near Eastern Languages and Cultures University of California, – Los Angeles, 2007. – P. 46.

<sup>4</sup> Огудин В. Природные места поклонения в религиозных представлениях современного населения Ферганы: дисс. докт. ист. н. – Москва, 2003. – С. 167.

<sup>5</sup> Дийнаварий. Кўрсатилган асар. – Б. 7.



ҳам акс этади. Хусусан, тадқиқотчи олим Г.Дабири мазкур лавҳаларни араб халқига оид тарих китобларида, хусусан, Ваҳб ибн Мунаббиҳ ва ибн Калби асарларида сақланиб қолганлигини таъкидлайди: “Жамшид юзининг қора бўлиши, яъни Жамшид такаббурликка берилиб, разолатга юз тутиши ва Захҳок томонидан унинг тахти тортиб олинниши ҳақидаги воқеалар ахлоқий ҳикоятлар тарзида юзага келади ва нақл қилинади”<sup>6</sup>. Кейинчалик унугилаётган ушбу сюжет муайян вақт ўтгач, “Шоҳнома”да қайта яратилади ва сюжет чизигида мустаҳкам ўрин эгаллайди. “Китоб ал-ахбор ал-тавол”да Жамшиднинг набираси Нимруз Захҳокни маҳв этиб, отасининг салтанатини қайта қўлга киритгани баён этилган.

Дийнаварийнинг асарида Жамшид ҳақида жуда қисқа маълумот берилган. Хусусан, унинг яратувчилик фазилатлари, бунёдкорлик ишлари умуман тилга олинмайди; анъанавий образга хос бўлган ижобий ва салбий хислатлар деярли ёритилмайди. Муаллиф Жамшид қаҳрамонига деярли ўзгартириш киритмайди. Бироқ муаллиф Жамшид, Захҳок, Фаридун каби мифологик образларнинг “Авесто”даги хусусиятларини сақлаган ҳолда уларни тарихий-бадиий ҳикоят қаҳрамонига айлантиради. Айниқса, асарда Жамшидни пайғамбарларнинг авлоди сифатида келтирилиши уни тарихий образга янада яқинлаштиради.

Асарда воқеалар изчилиги таъминланган; Жамшиднинг таҳтдан тушиб, ўрнига Захҳокнинг ҳукмронликни қўлга олиши, Захҳокнинг мураккаб характер талқини ва охир-оқибат, эзгуликнинг тантана қилиши каби воқеалар ўта жонли ва қизиқарли баён этилган. Жамшид тимсоли шу тарзда афсонавий мифологик образдан тарихий-бадиий асар қаҳрамонига айланган. Демак, Дийнаварий Жамшидни ер юзининг адолатли ҳукмдори ва пайғамбар авлодидан чиққан биринчи подшоҳ тарзида зикр этади. Шоҳ Жамшиднинг Нуҳ пайғамбар зурриёди сифатидаги талқини эса ўзбек адабиётидаги Жамшид қиссасига ҳам ўзлашиб, ушбу сюжетнинг яратилишида асос бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Дийнаварийнинг “Китоб ал-ахбор ал-тавол” асарида илк бор Жамшид Нуҳ пайғамбарнинг авлоди сифатида берилади ва мазкур маълумот кейинчалик ўзбек адабиётидаги Жамшид қиссасига ҳам кўчади. Дийнаварий Жамшиднинг “Авесто”даги хусусиятларини сақлаган ҳолда уни тарихий-бадиий қаҳрамонга айлантиради.

### **Адабиётлар:**

1. Ghazzal Dabiri. The Origins and Development of Persian Epics. A dissertation submitted in partial satisfaction of the requirements for the degree Doctor of Philosophy in Near Eastern Languages and Cultures University of California, – Los Angeles, 2007.
2. Огудин В. Природные места поклонения в религиозных представлениях современного населения Ферганы: дисс. докт. ист. н. – Москва, 2003.
3. Дийнаварий. Китоб ал-ахбор ал-тавол. ЎзР.ФА.ШИ. 17049-инвентар рақамли тошбосма. – Б. 3.
4. Jabborova, M., & Madaliyev, Y. (2024). JAMSHID'S REPRESENTATION IN FAIRY TALES. Modern Science and Research, 3(2), 134–136. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/30720>

---

<sup>6</sup> Ghazzal Dabiri. The Origins and Development of Persian Epics. A dissertation submitted in partial satisfaction of the requirements for the degree Doctor of Philosophy in Near Eastern Languages and Cultures University of California, – Los Angeles, 2007. – P. 50.

